# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 6 октябрь, № 197 (5617) Шанба


## Мамлакатимизда:

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Бухоро**

*Яқинда ўз фаолиятини бошлаган “Бухороавтоойлсервис” масъулияти чекланган жамиятида автомобиллардаги носозликни компьютерлар ёрдамида аниқлаб, уларга сифатли техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.*

### Автомобилларга компьютер хизмат кўрсатади

Мазкур лойиҳани амалга оширишда банкнинг 250 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.

— Коллежни тугатиб, шу ерга ишга жойлашдим, — дейди Бухоро шаҳрилик Ойбек Насуллев. — Тажрибали усталардан касб сирларини ўрганаяпман. Айниқса, замонавий компьютерлар орқали бошқариладиган технологик линия бизга жуда қўл келаяпти. У автомобиллардаги техник нуқсонларни тез ва аниқ кўрсатади. Бу эса мавжуд носозликларни қисқа муддатда бартараф этиш ҳамда сифатли сервис хизмати кўрсатиш имконини бермоқда.

Вилоятда маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли 2012 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,7 фоизлик ўсишга эришилди. Ҳудудий ички маҳсулотда хизматлар улуши салкам 40 фоизга етди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Навоий**

*Вилоятда 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли 9 та корхонада импорт ўрнини босувчи 51 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

### Импортдан — экспортга

Жумладан, “Bentonite” масъулияти чекланган жамиятида бир йўла иккита лойиҳа — саноатда кенг қўлланиладиган бентонит кукуни ҳамда оқартирувчи гил тайёрлаш йўлга қўйилди. Жамоа томонидан январь — июль ойларида 1,3 миллиард сўмлик маҳсулот ички бозорда сотилди. Пировардида 605,5 минг АҚШ долларига тенг валюта тежалишига эришилди.

— Ички эҳтиёждан ортган маҳсулотларимизни хорижга ҳам чиқараяпмиз, — дейди корхона мутасаддиси Абдусамат Ҳакимжонов. — Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида 700 тонна маҳсулотни экспортга йўналтиришни режалаштирганмиз.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Сурхондарё**

*Термиз туманилик тадбиркор Дилмурод Мўминалиев оилавий бизнесини кенгайтириб, “Sun agromilk” хусусий корхонасини ташкил қилди.*

### Фаолият кенгайди

Ҳозир бу ерда кунига 1 тоннагача сут қайта ишланиб, 6 турдаги маҳсулот ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Ишбилармонлик соҳасида муайян тажриба тўплаган тадбиркорнинг мазкур бизнес лойиҳаси банк томонидан молиявий қўллаб-қувватланди.

Туманда жорий йил давомида биргина озиқ-овқат йўналишида шу каби 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 100 дан зиёд иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хоразм**

*“Урганч бахмал” масъулияти чекланган жамиятида шу кунгача ўн бир турдаги газлама ишлаб чиқарилган бўлса, яқинда матонинг яна бир янги тури ўзлаштирилди.*

### Газламалар жилоси

— 110 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига пахмоқ мато тайёрлашга мўлжалланган янги технологик линияни ишга туширдик, — дейди корхона раҳбари Аҳмед Худойберганов. — Бу илғор ускуналар энергия сарфини тежаши баробарида, қўл меҳнатини кам талаб этади. Барча жараён, хусусан, маҳсулот сифати ва дизайни тўлиқ компьютерлар томонидан назорат қилиб борилади. Муҳими, корхонамизда йилига 2 миллион погон метр импорт ўрнини босувчи сифатли газлама тайёрлаш қуввати яратилди. Янги маҳсулотимиз нархи арзонлиги, хорижнинг шу турдаги маҳсулоти билан бемалол рақобатлаша олганлиги боис унга ички бозорда талаб катта. Буни ҳисобга олиб тайёрлаётган матоларимизнинг 40 фоизини экспортга чиқараяпмиз.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Дунфан Цзаобао» Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти ҳақида

*Шанхайда нашр этиладиган “Дунфан Цзаобао” газетасида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти мавзуига бағишланган таҳлилий мақола эълон қилинди.*

**Дунё нигоҳи**

Мақола муаллифи **Фудан университетининг Россия ва Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директори Чжао Хуашен** нашр ўқувчиларини юртимизнинг ушбу соҳада эришган муваффақиятлари билан атрофлича таништирар экан, ҳозирги пайтда кичик бизнес Ўзбекистон миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутаётганини қайд этади. “Айни пайтда мамлакат ялпи ички маҳсулотида бу соҳанинг ҳиссаси 50 фоиздан зиёдни ташкил қилмоқда”, деб ёзади у.

Мақолада алоҳида таъкидланганидек, “Ўзбекистон ҳукумати кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил қўллаб-қувватлашга интилгани ҳолда, қатор самарали чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Иқтисодий сиёсат рағбатлантирилишини назарда тутувчи, яъни мазкур соҳага доир қонунчилик заминини, маъмурий тартиб-қоидаларни такомиллаштириш, жойларда уларнинг ижросини таъминлаш сингари тадбирлар ана шулар жумласидандир. Кўриниб турибдики, булардан кўзланган мақсад аниқ: жабҳада янада қулай ва жозибадор муҳит яратиш. Чунки кичик бизнеснинг барқарор ривожланиши ўзбек халқи фаровонлиги кафолати ва гаровидир”.

Чжао Хуашеннинг қайд этишича, илғор ишлаб чиқариш базаси ҳамда бой салоҳият мавжудлиги кичик ва хусусий корхоналар сонининг борган сари кўпайишига хизмат қилади. Шу ўринда муаллиф мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаларидаги истиқболлари хусусида фикр юритар экан, бу тармоқларда маҳсулотни қайта ишлаш йўлга қўйилгани истеъмол бозорини ривожлантириш, шунингдек, кичик ва хусусий бизнес равнақи учун муҳим асос эканлигини таъкидлайди.

Юқоридагилардан ташқари, хитойлик эксперт газета ўқувчиларини Ўзбекистон анъанавий халқ амалий санъати борасида ҳам бой тажрибага эга эканлиги билан таништириш баробарида, моҳир ўзбек ҳунармандлари наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ипакчилик, кулоллик, заргарлик, мусиқа асбоблари ясашда ном қозонганини қайд этади.

Республикамизда транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланаётгани, жумладан, “Тошкент — Самарқанд” темир йўли бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий поездлар қатнаётгани ҳам мақола муаллифининг эътиборидан четда қолмаган. Унинг фикрича, бу соҳадаги ўзгаришлар ўзбек темир йўлчиларининг хитойлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашида янги уфқларни очади.

**«Жаҳон» АА.**

*Кейинги йилларда жаҳон бозорида ўзбек толасига бўлган талаб тобора ошиб бораяпти. Халқаро экспертлар буни заминимизда етиштирилаётган “оқ олтин”нинг саноатбоплиги, сифат кўрсаткичларининг юқорилиги билан изоҳлашмоқда.*

*Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан республикамизда ғўзанинг рақобатбардош селекция навларини яратиш, пахта тозалаш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида толамизнинг сифат кўрсаткичлари ўсиб бормоқда.*

## Ўзбек толасига дунё харидор

2011 йил ҳосилидан ишлаб чиқарилган пахта толасининг 85,1 фоизи юқори синфга мансуб эканлиги, жумладан, 28,1 фоизи “Олий”, 57 фоизини “Яхши” синфлари ташкил қилганлиги бунинг яққол далилидир. Айниқса, Қашқадарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг айрим пахта тозалаш корхоналарида тайёрланган толанинг 95 фоиздан ортиғи “Олий” ва “Яхши” синфларига тегишли эканлиги эътиборга молик. Бундай толалар миқдорининг кўпайиши унинг таннархи қўшимча равишда юқори нархларда баҳоланишига олиб келмоқда. Пировардида айни пайтда Ўзбекистон пахтачилик билан шуғулланадиган дунёдаги 70 дан ортиқ давлатлар орасида тола ишлаб чиқариш бўйича олтинчи, унинг экспорти борасида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси, айтиш мумкинки, толамиз довруғини янада ошириш, жаҳон бозоридаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти. Негаки, ушбу нуфузли тадбир иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб, тузилаётган шартномалар ҳажми ҳам муттасил ошмоқда.

Сир эмас, ҳар қандай харидорни, биринчи навбатда, маҳсулот сифати қизиқтиради. Шу маънода айтганда, VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ташкилотчилари мазкур тадбир қатнашчилари ҳамда хорижлик ҳамкорлар учун қулай имконият яратиб бермоқда. Гап шундаки, ярмарка доирасида пахта толасини энг илғор халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказувчи Европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмаларига аъзо бўлган, пахта толасини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилардан бетараф ҳолда сертификатлаштириш билан шуғулланадиган Ўзбекистон “Сифат” марказининг фаолияти билан яқиндан таништирилади.

(Давоми 2-бетда).

## Эътибор, эътироф, эҳтиром



***Ўқитувчилик — мўътабар касб. Унинг масъулиятини чуқур ҳис этиб, навқирон авлодга сидқидилдан сабоқ бераётган устоз ва мураббийлар эса давлатимизнинг ҳамиша эъзоз ва эътиборида бўлиб келмоқда.***
***Президентимизнинг яқинда Ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган байрам табригида ҳам ушбу соҳа вакилларига нисбатан юксак эҳтиром акс этган.***
***Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб — шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмуни ҳамда олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди.***

***Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели” халқаро миқёсда тан олинди.***
***Бу бежиз эмас. Зеро, биргина таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг ўзи Ўзбекистоннинг салоҳиятини, қудратини аниқ тасаввур этиш имконини беради.***

### Эзгу орзулар рўёби

Агар бундан 21 йил аввал юртимизнинг ҳар бир гўшасида бугунгидек муҳташам ўқув масканлари, спорт залларию сузиш ҳавзалари қурилади, дейишса, баъзилар бу ёруғ орзуни афсонага йўйишарди. Бир вақтлар афсонадек туюлган пок ниятлар истиқлол шарофати ва унинг меъморининг ғайрат-шижоати туфайли ўз рўёбини топди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида 1991 — 2003 йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида 1 млн. 893 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари ҳамда 152,8 минг ўринли мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Кейинчалик эса бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги “2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида республикамиздаги жами 9763 та мактабнинг 8501 тасида, яъни 3 млн. 12 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактабларда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

**Фарзандларимиз камоли, ёруғ истиқболимизга хизмат қилувчи мазкур умуммиллий Дастур доирасида**

**1,4 трлн. сўм**

**миқдорида маблағ сарфланди. Умуман, мустақиллик йилларида 1559 та мактаб биноси янгитдан қурилди, 8213 таси таъмирланди.**

Умуммиллий дастурни амалга ошириш, том маънода, умумхалқ ҳаракатига айланди, десак, асло муболаға бўлмайди. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак”, деган даъватини қалбига жо этган халқимиз маърифат маскани — мактабни келажак остонаси эканини теран англаб, бу савобли ишга енг шимариб киришди, қувонарлиси, ҳомийлик ҳаракати ҳам кенг қулоч ёйди. Республика миқёсида ҳомийлик асосида 47 та янги мактаб қурилди, 30 таси капитал реконструкция қилинди, 95 та мактаб капитал, 233 та таълим муассасаси жорий таъмирланди.

Қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилган мактабларнинг 81 фоизи, яъни 6888 таси қишлоқ ҳудудларида жойлашган, олис тоғ ва чўл ҳудудларидаги 287 мактаб ҳам эътибордан четда қолмади. Бойсун тумани Дарбанд қишлоғидаги 54-мактаб ана шундай муҳташам таълим муассасаларидан биридир.

(Давоми 4-бетда).

**Анжуман**

*Пойтахтимизда архив муассасалари ва ташкилотларида ахборот ресурсларини жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ва улардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.*

### АРХИВЛАР — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Тадбирда Ўзбекистон, Польша, Беларусь, Литва, Украина, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Россия каби мамлакатлардан соҳа мутахассислари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Халқаро анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директори А. Абдуллаев ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизнинг тарихий, илмий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид муҳим аҳамиятга эга архив ҳужжатларини сақлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланишни ташкил этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда архив ишини такомиллаштириш, архивларни техник модернизациялаш, соҳага илғор технологияларни жалб этиш, мазкур йўналишда ходимлар билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада архив ҳужжатларининг библиографик ахборот базасини яратиш ҳамда қимматбаҳо ва ноёб материалларни рақамли форматга ўтказиш каби энг илғор усуллардан фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ЁШ ОИЛАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

***2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида мамлакатимизда ёш оилаларга умумий қиймати***

**14 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.**

Мустақил ҳаётга энди қадам қўйган ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида истеъмол ва ипотека кредитлари, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар берилиши уларнинг ижтимоий шароити яхшиланиши, турмуш даражаси юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

## Қонун кучга кирди

*Маълумки, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш соҳасидаги навбатдаги устувор вазифалар белгилаб берилганди. Бунда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш, давлат ҳар бир хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлиши, шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши учун хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.*

# Хусусий мулк

## демократик қадрият ва жамият тараққиётининг муҳим омилидир

Яқинда парламент палаталарида қабул қилинган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда чоп этилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айни шу масалалар ечимини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керакки, халқимиз ҳаётида хусусий мулк, тадбиркорлик қадим замонлардан буён ўзига хос ўрин тутиб келган. Шу билан бирга, аҳолининг ўз ери, мулки, касби ва ҳунарига эга бўлиши ҳамда ишбилармонлик билан иш юритиш хислатлари ҳам чексиз қадрланган.

Демократия ва бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ўз ижтимоий ҳаётини ташкил қилаётган ривожланган мамлакатларда хусусий мулк фундаментал ҳуқуқий институтлардан бири ҳисобланади. Зотан, хусусий мулк ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ва уни амалга оширишнинг моддий асосидир.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда хусусий мулкнинг кафолатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида олиб борилган ислоҳотлар, давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар натижасида бугунги кунда иқтисодиётнинг нодавлат сектори деярли барча соҳаларда устувор аҳамиятга эга бўлди. Ҳозиргача 85 мингдан ортиқ давлат мулки объектлари хусусийлаштирилди ва уларнинг негизида турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритиш субъектлари ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатга олинган корхоналарнинг 92 фоизи нодавлат мулк шаклидаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий корхоналар, агрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликларидан иборатдир.

Экспертларнинг баҳолашича, мулкдорларнинг сони 6,5 млн. кишини ёки мамлакатимиз аҳолисининг 22 фоизини ташкил қилмоқда.

Юртимиздаги барқарорликнинг таъминланишида, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишида, иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишида хусусий мулк эгаларининг алоҳида ўрни бор. Айни пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 82,5 фоизи нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда ва ташкил қилинаётган иш ўринларининг салмоқли қисми ҳам ушбу сектор томонидан амалга оширилмоқда. Бундай ютуқлар замирида республикамизда хусусий мулк ҳимоясига ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий база шакллантирилганлиги мужассамдир. Қолаверса, Конституциямизнинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Шу билан бир қаторда, ҳозир миллий қонунчилигимизда хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини белгиловчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатдики, мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини янада мустаҳкамлаш, аниқлаштиришга зарурат мавжуд эди. Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, бозор муносабатларини қарор топтириш учун тадбиркорларга фақат ҳуқуқий кафолатлар етарли эмас. Биз тадбиркорга республикамизнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаётган омил сифатида ёндашмоғимиз зарур ва қонунчилик фаолияти айнан шунга қаратилган бўлиши лозим.

Қонунга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Бундай мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. У дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Хусусий мулк ҳуқуқи муддати масаласи ҳам қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилгани эътиборга моликдир. Қонун нормаларига мувофиқ, хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир ва мулкдор ўзининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича муддат ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади. Унга мувофиқ, қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим талабларидан биридир.

Шу билан бирга, давлат органлари ва бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни давлат ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши кўзда тутилди. Бундай органлар мансабдор шахслари айби билан етказилган зарар ўрнини қоплаш суд қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсизлиги, хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги белгилаб қўйилди. Қонун кучга кирганидан кейин хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмайди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш борасидаги мақсадлари қатъий эканлигидан далолатдир.

Қонунда хусусий мулк ҳуқуқини бекор қилиш ва мол-мулкни давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши асослари белгилаб берилган. Хусусий мулкни олиб қўйишга фақат жамият манфаатлари тақозо этган ҳолларда ва бундай олиб қўйишдан кўзланган мақсадга бошқа ҳар қандай йўл билан эришиш мумкин бўлмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Мухтасар айтганда, юртимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиши, демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, пировардида ҳалқимиз ҳаётининг сифати ва даражасини янада оширишдек юксак мақсадларга эришишимизнинг энг муҳим шарти ва устувор йўналиши, албатта, мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш, мулкдорларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ишончли ва мустаҳкам кафолатлаш ҳисобланади. Айни шу маънода мазкур Қонун Концепцияда белгилаб берилган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни амалга ошириш учун муҳим ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

**Абдурашид АЛТИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

## Ифтихор

*Мустақиллик даврида республикамиз саноати ҳар бир йили эллик йилликларга татийдиган даражада гувланиб ривожланди, жаҳондаги энг илғор давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллашга қаратилган улуғвор режаларимиз ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон, асосан, деҳқончилик маҳсулотлари билан кун кечирадиган замонлар аллақачон ортда қолди. Шунга қарамай, бутун инсоният турмуш тарзида муҳим ўрин тутувчи пахтачиликнинг қадр-қиммати жаҳонда ҳам, бизда ҳам сарбаланд.*

# Порлоқ истиқболга оппоқ пойандоз

Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Халқимиз истиқлол йилларида бу қимматбаҳо неъматни хом ашё сифатида арзонгина сотишдан халос бўла бориб, уни мамлакатимизнинг ўзида қайта ишлашни жадал йўлга қўйиш орқали бир неча баравар кўп даромад олишга эриша бошлади. Ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам ип йигирув ва тўқимачиликка асосланган замонавий корхоналар бунёд этилмоқда, юз минглаб иш ўринлари пайдо бўлмоқда, қувонарлиси — ёшларимиз орасидан бу мураккаб ускуналарни бемалол бошқарадиган малакали мутахассислар етишиб чиқмоқда.

Яқинда бир гуруҳ қаламкашлар Фарғона вилоятида бўлиб, пахта етиштиришда, уни қайта ишлашда амалга оширилаётган улкан ишларни кўздан кечирганимизда, кўнглимизда ана шундай таассуротлар уйғонди, беадоқ шукуҳга йўғрилдик. Яратувчанлик авж олган жойда ижодкорлик ҳам унга оҳангдош тарзда парвоз қила бошлашини англадик, қўлимиз ўз-ўзидан қаламга югурди.

Бу йил вилоятда юз минг гектардан ортиқроқ майдонга чигит қадалиб, давлатга 280 минг тонна "оқ олтин" етказиб бериш юзасидан шартномавий режа имзоланган. Пахтачиликка ихтисослаштирилган 3300 дан зиёд фермер хўжаликлари аъзолари ваъдага вафо қилиш иштиёқида эрта баҳордан бошлаб фидокорона меҳнат қилишди, табиатнинг бор инжиқликларини енгиб ўтиб, мўл ҳосил етиштиришди. Энди ҳамма гап бу дур-жавоҳирларнинг ҳар бир мисқолини эъзозлаб, вақтида йиғиб-териб олишда. Бу жараёнда кунлар тугул, бирон бир сонияни ҳам бой бериб бўлмайди. Акс ҳолда, минг машаққат билан етиштирилган ҳосилнинг баракасини қочириш ҳеч гапмас, ёғин-сочин degани ишларнинг тугалланишини кутиб ўтирмайди.

Экин майдонларини ҳайдатиш, яхоб бериш, уруғ танлаш, экишдан тортиб, ғўза парваришини агротехника талабларига қатъий риоя қилган тарзда ўтказишгача бўладиган ишларнинг ҳадисини пухта ўзлаштириб олган фермерлар сони йил сайин кўпайиб бораётир. Натижада улар шартномавий режаларни октябрь ойигача қолдирмасдан, икки-уч теримнинг ўзидаёқ бажариб қўйишга муваффақ бўлишмоқда.

Вилоятдаги таниқли қаламкашлар, актёрлар, хонандалар далама-дала юриб, теримчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Биз — бир гуруҳ қаламкашлар ҳам маҳаллий санъаткорлар билан бирга ана шундай учрашувларда иштирок этдик. Ёзёвон тумани чўлқуварлари билан бўлган учрашув ўта жўшқин ўтди. Бунинг сабаби — дам олиш куни бўлгани учун, йиғин, асосан, Фарғона давлат университетининг филология факультетидан ҳашарга келган талабалар иштирокида ўтаётгани эди. Хонандалар, қизиқчиларнинг чиқишлари шеърхонликка уланиб, одатий савол-жавоблардан бошланган суҳбатимиз охири қизғин гурунгга айланиб кетди. Талабаларнинг вакиллари бир-бир даврага чиқиб, ўзларининг шеърларини ўқишга тушган пайтда эса, биз, ўзимиз томошабинга айландикқолдик. Сайилга чиқиб ҳам бунчалар завқ олиш қийин, таъбимиз беҳад равшан тортди.

Президентимиз раҳнамолигида тубдан қайта қурилаётган, ҳадемай, нафақат юртимиздаги, балки дунёдаги энг тароватли масканлардан бирига айланадиган Фарғона шаҳрини, бири-биридан файзли иншоотларни, улкан корхоналарни ҳам шу саёҳат баҳонасида мириқиб томоша қилдик. Юртимизнинг қудратга тўлиб бораётгани кучимизга куч қўшаётгандек туюлди. Бир олам таассуротлар билан Тошкент сари қайтар эканмиз, йўл четидаги пахтазорлар бизга янада қадрдон бўлиб кўринди. Ҳар битта чаноқ гўё оқ рўмолча силкитиб, биз билан хайрлашаётгандек. Оппоқ пайкаллар эса, омадини фақат меҳнатдан излайдиган донишманд элимизнинг порлоқ келажаги пойига ёйилган бепоён ва пок-покиза пойандозни эслатаётганди.

Пахтамиз ниҳоятда чиройли. Айни чоғда, матонатли халқимиз ризқ-рўзининг тўкин манбаларидан биттаси шу. Юртимиз фаровонлигини янада оширишга ҳали кўп хизмат қилувчи бу олий неъматни мўл-кўл қилиб яратаётган азамат деҳқонларимизнинг қўли асло дард кўрмасин, деймиз. Биз ижодкорлар уларга қанчалик елкадош бўлолсак, ўзимизни шунча бахтиёр сезамиз, уларнинг сафида эканимиздан ғурурланиб яшаймиз.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказда ISO — 9001 сифат менежменти жорий қилинган бўлиб, ўз навбатида, у халқаро ва миллий сертификатлаштириш тизимларида сертификатлаштирилган. Бу ерда толаларни сертификатлаш ва тойларни синовдан ўтказиш HVI ускунаси ёрдамида амалга оширилади. Мазкур жараёнда толанинг хусусиятлари, шу жумладан, узунлиги, узунлик бўйича бир хиллиги, пишиқлиги, ранги, ифлослиги, микронейри, калта тола миқдори, эгилувчанлиги каби кўрсаткичларни аниқлаш мумкин. Марказимизнинг вилоятлардаги барча ҳудудий лабораториялари ушбу тизим билан тўлиқ таъминланганлиги муҳим саноат хом ашёсини аниқ ва холис баҳолаш имконини бераяпти.

Айтиш жоизки, тола намуналарини синовдан ўтказиш жараёни пахта тозалаш корхоналаридан

# Ўзбек толасига дунё харидор

бошланади. Ҳудудий лаборатория вакиллари ҳар бир тойдан намуна олади ва тойнинг оғирлигини назорат қилади. Той ва намунага алоҳида ёрлиқлар ёпиштирилиб, намуналар ҳудудий лабораторияга жўнатилади. Уларнинг параметрлари бу ерда ҳаво ҳарорати ҳамда намлик шартларига қатъий риоя қилинган ҳолда, HVI тизимида синовдан ўтказилади. Синов натижаларига асосан, тола тўдаларига мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага тақдим қилинади.

Ўзбек пахта толасининг сифатини кафолатловчи марказимизнинг Миллий маълумотлар базасида республикамиз бўйича парваришланаётган ғўза навлари, етиштирилган пахта ва тайёрланган толанинг сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар вилоятлар ҳамда пахта тозалаш корхоналари бўйича жамланган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 2012 йил ҳосилидан олинган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари ҳам юқори эканлиги қувонарлидир. Бугунги кунга қадар 44 минг 204 тонна тола ишлаб чиқарилган бўлиб, улар 100 фоиз "Биринчи" нав, "Олий" ва "Яхши" синфларга мансуб. Умуман олганда, ҳозирги кунда етиштирилаётган пахтанинг 99,5 фоизи пишиб етилганлигини ифодаловчи микронейр кўрсаткичи бўйича барча стандарт меъёрлари ва жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб беради. Энг муҳими, АҚШ, Австралия, Бразилия сингари тола экспорт қилувчи етакчи давлатлар пахтасига нисбатан ўзбек пахтасининг калта толалар индекси кўрсаткичлари паст даражада бўлиб, бу ундан чиқадиган йигирув ипининг миқдори ошишига олиб келади. Шунинг учун ҳам янги ҳосилга бўлган эҳтиёж тобора ошмоқда.

Ўзбекистон "Сифат" марказини 2013 — 2017 йиллар давомида босқичма-босқич модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан, мавжуд техник ускуналар замонавий талаб даражасида автоматлаштирилган янги HVI тизимлари билан алмаштирилади. Хусусан, 35 та "Uster HVI 900 SA" яримавтомат тизими техник таснифлари такомиллаштирилган, унумдорлиги юқори бўлган 18 та "Uster HVI 1000" автоматлаштирилган тизимига босқичма-босқич ўтказилади. Бу каби янгиланишлар республикамизда ишлаб чиқарилаётган тола сифатини аниқ ва холисона баҳолаш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Қисқача айтганда, тизимда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзбек толасининг шуҳратини дунёга ёйишга, VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси келишув ва шартномаларга бой бўлишига хизмат қилади.

**Эркин МАҚСУДОВ,**
**Ўзбекистон "Сифат" маркази бош директорининг биринчи ўринбосари.**

# Янгиланиш — самарадорлик гарови

*Кейинги йилларда Самарқанд шаҳридаги "8 Март" масъулияти чекланган жамияти иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолганлиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолган эди.*

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Шундай бир пайтда, яъни 2008 йил 18 ноябрда Президентимизнинг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони қабул қилингани жамоа учун айни муддао бўлди. Чунки ушбу ҳужжат талаблари асосида зарур сармояларни топишга йўл очилди. Аввало, корхонага 2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳаллий инвестиция жалб этилди. Унинг икки миллиард сўми таъмирлаш ишларига сарфланган бўлса, 700 минг АҚШ доллари ҳисобига Япониянинг "Juki" компаниясидан замонавий тикув дастгоҳлари сотиб олинди. Натижада иш билан таъминланган 400 нафар маҳаллий йигит-қиз болалар ва эркаклар кийим-кечакларини тикишга киришди.

Бу — "8 Март"да бошланган янгиланишларнинг дастлабки босқичида эришилган ютуқлардан бир мисол. Гап шундаки, корхонада кейинчалик ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилгач, унинг нафақат узлуксиз ишлаши, балки ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олишига замин яратилди. Маҳаллий сармоядорлар томонидан яна 940 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши туфайли бошқа цехларни ҳам реконструкция қилиш мақсадида хориж давлатларидан янги технологиялар келтирилгани бунинг тасдиғидир.

— Айни пайтда учинчи босқичда кўзда тутилган ишларни амалга ошириш ҳаракатидамиз, — дейди корхона раҳбари Исматулло Амонов. — Яъни 2 миллион евро ва 350 минг АҚШ долларилик инвестиция эвазига Япониядан нақш солиш машиналари ҳамда бир кеча-кундузда 7 тонна матони бўяш имкониятига эга ускуналарни харид қилмоқчимиз. Бу билан жамоамиз аъзолари сони яна 100 нафарга кўпаяди.

Ҳозирги кунда корхонада болалар ва эркаклар учун 200 хилдан ортиқ сифатли трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бунда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани, айниқса, қўл келмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётан ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ривожланиш сари дадил қадам ташлаётган "8 Март" маъсулияти чекланган жамияти жамоасининг фаолияти бунга яққол далилдир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

# Тезкор, оммабоп, қулай

*Бугунги ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Қолаверса, бу соҳа шитоб билан ривожланиши баробарида, интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони ҳам кескин кўпаймоқда. Яна бир муҳим жиҳати, турли ташкилот ва муассасалар ўз сайтлари фаолиятини йўлга қўйиб, интернет фойдаланувчиларини кўплаб янгиликлардан хабардор этиб келаётир.*

## Тақдимот

Бу ҳақда кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган анжуманда сўз борди. Қўмита бошқарув аъзолари, тегишли ҳамкор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда ташкилотнинг интернетдаги www.wcu.uz сайтининг янгиланган шакли таништирилди.

Қайд этилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ахборот хизмати ташкил этилиб, қўмита веб-сайти янги дизайн ва замонавий талаблар асосида ишга тушди.

Мазкур сайт мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни жамоатчиликка мунтазам етказишни мақсад қилган. Айни дамда твиттер, фэйсбук каби ижтимоий тармоқларда ҳам қўмита фаолиятига доир саҳифалар яратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Зебо НУРМОНОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот хизмати мутахассиси.**

# АРХИВЛАР – ТАРИХ КЎЗГУСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида қимматбаҳо ва ноёб архив ҳужжатларини сақлаш ва уларни рақамли форматга ўтказиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Тарихий ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида марказий архивларда электрон кутубхоналар ташкил этилмоқда. 2010 йил 15 июнда қабул қилинган "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни архивлар фаолиятини такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги мазкур йўналишда фаолият юритувчи асосий муассасалардандир. Агентлик архив иши ва иш юритиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат архивларини бошқариш, соҳага оид қонун ҳужжатларининг амалда бажарилиши ва уларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, архив идораларининг намунали фаолият кўрсатишини таъминловчи давлат бошқарув органидир. Агентлик давлат идоралари, ҳокимликлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, жойлардаги давлат архивларининг иш шароитини яхшилаш бўйича кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга ошираётир.

Халқаро архивлар кенгаши дунё мамлакатлари архивларини қўллаб-қувватлаш, архив меросини сақлаш, ривожлантириш ва фойдаланишга кўмаклашиш билан шуғулланадиган нуфузли ташкилотдир. Мазкур халқаро муассаса архивлар ривожига кўмаклашиш орқали, халқаро аҳамиятга молик қимматли маълумотларни сақлаш йўлида самарали хизмат қилмоқда. Халқаро архивлар кенгашининг дунё бўйича ўн уч минтақавий бўлими мавжуд.

— Юксак савияда ташкил этилган мазкур халқаро анжуман жаҳонда архив соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, рўй бераётган ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар юзасидан ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш имконини берди, — дейди Беларусь Республикаси Адлия вазирлиги архив ва иш юритиш департаменти директори Владимир Адамушко. — Ўзбекистон ушбу соҳада катта муваффақиятларга эришмоқда. Айниқса, илмий маълумот аппаратини барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётгани эътиборга моликдир. Шунингдек, архив соҳасини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш борасидаги изчил ислоҳотлар таҳсинга сазовор.

— Конференцияда архив манбаларидан интернет орқали фойдаланишга бағишланган маърузам билан иштирок этдим, — дейди Польша давлат архивлари директори ўринбосари Резард Войтковский. — Бугунги кунда кўплаб мамлакатларнинг архив тизимида замонавий технологияларни жалб этган ҳолда фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратилмоқда. Бу соҳада интерфаол хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Эндиликда фуқаролар ўзини қизиқтирган масала юзасидан архивга келиб юрмасдан, уйидан ёки иш жойидан турли архив агентликлари веб-сайтида кўрсатилган электрон манзил бўйича мурожаат этиши мумкин. Хизматнинг бундай тури архивдан фойдаланувчи учун жуда қулай, исталган маълумотга тез ва осон эга бўлиш мумкин.

— Мамлакатимизда архив тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи Гулнора Бекмуҳамедова. — Ҳудудлардаги давлат архив идоралари компьютерлаштирилиб, улар ўртасида электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилган, архивларда сақланаётган ҳужжатларга оид маълумотларнинг электрон базалари яратилмоқда. Натижада архив ҳужжатларига қизиқиш ва улардан фойдаланувчилар сони йил сайин ошмоқда. Бу борада хорижлик ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Анжуманда МДҲ ва Евросиё минтақасида архив ишининг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Конференцияда архив ишини ривожлантириш, марказий архивлар жамғармалари каталогларини замонавийлаштириш, архив иши ва ҳужжат таъминоти соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, минтақадаги миллий архивлар хизматлари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, шунингдек, архив ҳужжатларини сақлаш борасида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида Халқаро архивлар кенгаши Евросиё минтақавий бўлимига (ЕВРАЗИКА) аъзо мамлакатлар миллий архивлар хизматлари раҳбарларининг маслаҳат кенгаши мажлиси, Халқаро архивлар кенгаши Евросиё минтақавий бўлими 13-умумий конференцияси ҳам бўлиб ўтди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фаолияти билан танишиб, "Ўзбекистон тарихи архив ҳужжатларида" кўргазмасини кўздан кечирдилар.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

«Асака» банки:

# Мижозларнинг ишончли ҳамкори

*Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизни жадал ривожлантирувчи, аҳоли турмуш фаровонлигини оширувчи кучга айланиб бораётгани барчамизга аён. Бу, албатта, истиқлол йилларида тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, соҳа вакилларига турли имтиёз ва енгилликлар берилаётгани самарасидир.*

## Миннатдорлик

Айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони янги иш ўринлари яратишимиз, аҳоли даромадини кўпайтиришимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, банклар томонидан истиқболли лойиҳаларимиз тезкор молиялаштирилаётгани ҳам иш юритишимизда айни муддао бўлаётир. Хусусан, корхонамиз ҳамкори — "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Жорий йилда мазкур банкнинг Марғилон филиалига полиэтилен грануласидан пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва экспорт салоҳиятимизни ошириш мақсадида қилган мурожаатимиз ўз вақтида қаноатлантирилди. Натижада 65 турдаги пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга, касб-ҳунар коллежининг 20 нафар битирувчисини иш билан таъминладик. Улар ёрдамида ўтган даврда 2,1 млрд. сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, унинг 115 минг АҚШ долларилик миқдори хорижга сотилди.

Банк жамоасининг биз, тадбиркорларга кўрсатаётган бундай намунали ва тезкор хизматларидан миннатдормиз. Келгусидаги режаларимизни юзага чиқаришда ҳам "Асака" банки молиявий қўллаб-қувватлашига ишонамиз. Чунки бу банк мижозларнинг ишончли ҳамкоридир.

**Жасур СОБИРОВ,**
**Марғилон шаҳридаги «Element Cristall» МЧЖ раҳбари.**

# Электр иситкичлар

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти олимлари легирланган силикат шиша асосида ишловчи электр иситкич қурилмасини яратишди.***

Ушбу кашфиёт керамика ёки металл асосига жойланган юпқа легирланган шиша қатламидан иборат. Маълумки, легирлаш орқали зарур миқдорда электр токи ўтиши учун шишанинг юқори ўтказувчанлиги таъминланади. Барча технологик жараёнлар ҳаво ёрдамида бажарилади.

Янги электр иситкичлар саноатда, рўзғорда ва илмий тадқиқот ишларида қўлланилиши мумкин. Қурилма импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулот сифатида ҳам эътироф этилмоқда.

Фан ва техника янгиликлари

# Арзон ва экологик хавфсиз

***Жиззах политехника институти олимлари томонидан тоғли ҳудудлардаги сой ва ирмоқларда ишлаши мумкин бўлган, қуввати 1 кВт.дан 100 кВт.гача бўлган микроГЭСлар лойиҳаси ишлаб чиқилди.***

Эътиборлиси, ушбу электр қуввати ҳосил қилувчи манбалар тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли учун жуда қулай. Жумладан, технология сойнинг бир томонига ўрнатилиши унинг сел ва тошқинлар хавфидан холи бўлишини таъминлайди. Қолаверса, у арзонлиги ва узлуксиз равишда электр энергияси ҳосил қила олиши билан аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, микроГЭСларни қуриш экологик жиҳатдан тоза қувват олиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш имконини бериши замонавий илм-фанда ўз тасдиғини топган. Бинобарин, ушбу лойиҳа олис ва чекка ҳудудларга электр токини етказиб бериш ҳамда янги иш ўринлари яратилишида иқтисодий жиҳатдан катта самара келтиради.

**Илёс РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

# Катта миқдорда даромад кўрди

***Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" компанияси жорий йилнинг учинчи чорагини катта миқдордаги даромад билан якунлади.***



Корхона бу муваффақиятга "Galaxy" русумидаги смартфонларнинг дунё миқёсида савдоси оммалашгани туфайли эришган.

"Samsung Electronics" мутасаддиларининг маълум қилишича, июль — сентябрь ойларида тушган даромад 8,1 трлн. вон — 7,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баробарга кўп. Компания фаолиятидаги бундай ижобий натижа унинг акциялари баҳосини 1,5 фоизга кўтариб юборди.

# Фалокатнинг сабаби номаълум

***Варшава марказида метро қурилиши олиб борилаётган жойда ўтиш ҳамда пиёдалар юришига мўлжалланган йўлак ўпирилиб тушган.***



Қутқарув хизмати вакиллари зудлик билан фалокат содир бўлган ҳудуд яқинида яшовчи аҳолини эвакуация қилди. Бу ердаги кўчалар вақтинча беркитилган.

Манбага қараганда, фожиа юз берган жойда газ ҳамда сув қувурига ҳам зарар етган. Мутахассислар улардан чиқаётган газ ва сувни тўхтатишга муваффақ бўлишган. Бироқ унгача бир қанча турар-жойни сув босган. Ҳозирча фалокат сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ.

# Ғайритабиий динозавр

***Жанубий Африка Республикаси ҳудудидан ғайритабиий динозавр қолдиқлари топилди.***



Мутахассисларнинг сўзларига кўра, унинг катталиги ва оғирлиги оддий уй мушугидек келади. Динозавр 100 — 200 млн. йил аввал яшагани тахмин қилинмоқда.

Қизиқ жиҳати, жонзотнинг тўтиқушникига ўхшаш эгри тумшуғи бўлиб, унда иккита қозиқтиш мавжуд. Шунингдек, орқа жағида турли озиқ тишлари ҳам бор. Динозаврнинг устки қисми жайраники сингари узун игналар билан қопланган бўлган.

# Шифокорнинг ихтироси

***Индонезиялик тиш шифокори Дханни Гастиан мижозларнинг қўрқувини енгиш учун стоматология воситаларидан бири — тиш пармалагични модернизация қилди.***



У яратган янги жиҳоз бемор оғзини очиши билан ўзидан турли мусиқа садоларини чиқаради ва унда ҳар хил рангдаги чироқлар ёна бошлайди. Шунингдек, ускунанинг учига кичкина ўйинчоқ ҳам ўрнатилган. Бу кичик ёшдаги беморларни чалғитишга хизмат қилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРДАН 28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг ҳудудий дистрибьюторлик марказлари орқали сотиладиган кўмирнинг чакана нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 12 сентябрдаги 70, УТ 02/4-17/3640-сонли қарори.*

**2012 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2392 (2012 йил 4 октябрдан кучга киради).**

2. «Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 23 августдаги ЭГ-01/15-4108, 59, СГ-5-1/6-38-сонли қарори.*

**2012 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2393 (2012 йил 4 октябрдан кучга киради).**

3. «Вақтинча сақлаш» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 24 августдаги 01-02/12-21-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 447-1 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

4. «Эркин омбор» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 24 августдаги 01-02/12-24-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1309-1 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

5. «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 24 августдаги 01-02/12-25-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1317-3 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

6. «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 24 августдаги 01-02/12-23-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1318-1 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

7. «Хорижий дипломатик ваколатхоналар ва мақоми бўйича уларга тенглаштирилган муассасаларнинг тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тўловларини амалга ошириш бўйича тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 22 сентябрдаги 28/1, 2012-28-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 664-1 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

8. «Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 30 августдаги 2012-27-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1437-1 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

9. «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 18 августдаги 24/12-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-2 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

10. «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 18 августдаги 24/10-сонли қарори.*

**2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-3 (2012 йил 7 октябрдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Хорижий дипломатик ваколатхоналар ва мақоми бўйича уларга тенглаштирилган муассасаларнинг тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тўловларини амалга ошириш бўйича тушунтириш» *(рўйхат рақами 664, 1999 йил 10 март). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 27 сентябрдаги 213-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

***Россия Федерациясининг йирик ойна ишлаб чиқарувчи корхоналари: Нижегород вилояти, Борск шаҳридаги «Эй Джи Си Борский стекольный завод» ҳамда Клин шаҳридаги «Эй Джи Си Глас Клин» очиқ акциядорлик жамиятлари билан тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган***

**ХК «AGRO MARKER PLUS» МЧЖ**



Ўзбекистон бозорига ойна ва кўзгулар етказиб беради.

**Тошкентдаги омборхонасидан сайқалланган (шаффоф) ойна таклиф қилади:**

1. 6 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 250 х 3 210 мм.;
2. 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 500 х 1 605 мм.;
3. Бронза рангли ойна (йодсимон) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 х 1605 мм.;
4. MNGE кўзгуси (намликка чидамли) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 х 1 605 мм.

1587R/1114

**Шартномалар Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси орқали ҳам тузилиши мумкин.**

**Тел./факс: (8-371) 299-86-32, (+99890) 128-63-99. E-mail: agromarkerplus@mail.ru**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02

● Реклама ва эълонлар ●

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА**

1.______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2.______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3.______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4.______________________________

Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

1552A/1093

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

1616R/1133

***Давлат Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи Аппарати жамоаси масъул ходим Юсуф Муқимбоевич Муқимбоевга синглиси

**Бахри МИРАЛИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзкоммунхизмат" агентлиги жамоаси Агентликнинг Осиё тараққиёт банки дастурини тайёрлаш ва бошқарув гуруҳининг Жиззах вилоятидаги лойиҳа бошқаруви гуруҳи раҳбари Собиржон Абдусатторовга волидаи муҳтарамаси

**ҲУРМАТОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси жамоаси Махсус рухсатнома (лицензия) берувчи ташкилий бошқарма бошлиғи ўринбосари Шерзод Маҳаммадиевга акаси

**Ёқубжон МАҲАММАДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zbektelefilm" давлат унитар корхонаси жамоаси катта муҳаррир Феруза Тўрахўжаевага волидаи муҳтарамаси

**Шоира ЮСУПОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Эътибор, эътироф, эҳтиром



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сайфулмалик Муҳаммадиев мазкур мактабда ўқийди. Аълочи, интизомли. Туман, вилоят миқёсида ўтказиб келинадиган фан олимпиадаларининг фаол иштирокчиси. Мактабда уй вазифаларини сабоқлар тугамасданоқ бажариб бўлади-да, устозларидан яна топшириқ борми, деб сўрайди. Узун-узун шеърларни ҳам икки марта такрорлашдаёқ ёдлаб олади. Зеҳни ўткир. У ҳамма нарсадан ҳам кўра, ўзи ўқиётган мактабни, айниқса, бошқача таърифлайди.

— Мактабимизни бир кун кўрмасам, соғиниб қоламан, — дейди Сайфулмалик. — Бу мактабни бизга Президентимиз совға қилганлар. Қаранг, бизнинг кичкинагина қишлоғимизда ҳам мана шундай кўркам, шаҳарлардагидан қолишмайдиган мактаб бор. Бу ерда ўқиганлар, албатта, аълочи бўлишлари керак...

Аслида, бугун нафақат Сайфулмалик, балки барча истиқлол фарзандларининг пухта билим олишлари учун тўкис шароит яратиб берилган. Замонавий ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланган мактаблар юртимизнинг барча ҳудудида бунёд этилди.

***— Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, таълим тизимига эътибор қаратиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Зиёдулла Санаев. — Президентимизнинг бундай ғамхўрлигини теран англаш, ўғил-қизлар қалбида она-Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни беқиёс.***

## Отадек улуғ, онадек мўътабар

Мен узоқ йиллардан бери таълим соҳасида ишлайман. Лекин ҳеч қачон ўқитувчи-мураббийлар меҳнатининг бу қадар эъзозланганини кўрмаганман. Тинч ва осойишта юртда яшаб, бундай юксак эътибордан баҳраманд бўлаётганимиз учун ҳар қанча шукрона айтсак кам. Мустақиллик иншоотлари — замонавий мактаб бинолари, коллеж-лицейларга қараб туриб, гапнинг очиғи, қувончдан бошимиз кўкка етади. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган байрам табригида эътироф этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусиқа ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-ҳунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилгани, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланиб бораётгани таълим тизимида биз амалга ошираётган ислоҳотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

— Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ривожланган баъзи давлатларда ҳам юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда, — дейди Бухоро вилояти, Олот туманидаги 12-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Гулойим Жаллиева. — Бизда эса етук мутахассисларни тайёрлаш ишига мактаб давриданоқ киришилади. Бунинг учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Кўриб турибмизки, энг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳам замонавий мактаблар қад ростлади. Ушбу жиҳат Юртбошимизнинг табригида ҳам алоҳида қайд этилиб, шундай дейилади: "Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин. Ана шундай ўта оғир ва ўта долзарб, истиқболимизни ҳал қиладиган мақсадга эришиш учун таълим соҳасида чуқур ва пухта ўйланган миллий дастурларимизни тайёрлаш ва амалга оширишда бизнинг охирги 15 йил давомида қилган ишларимизни бутун дунё тан олмоқда". Худди шунингдек, юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатига доимо эътибор қаратилмоқда. Масалан, мен оддий бир қишлоқ ўқитувчисиман. Бахтимни қарангки, истиқлолимизнинг йигирма бир йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонларига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган юксак унвон билан тақдирландим. Бу унвон нафақат менга, балки барча ҳамкасбларим меҳнатига кўрсатилган эътибордир.

## Келажакка сармоя

— 44 йил жисмоний тарбия фанидан дарс берганман, — дейди дарбандлик кекса ўқитувчи Юсуф ота Тоғаев. — Лекин бундай мактабларда дарс бериш у ёқда турсин, мактаб биноси бу қадар чиройли бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Унинг спорт залига тез-тез келиб тураман. Бу ердаги шарт-шароит, спорт жиҳозларини кўриб ҳавасим келади. Ғайратим жўшиб кетади. Ҳозир ёш бўлиб қолсаму яна шундай жойларда ишласам. Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун маблағни аямаяптилар. Чунки у киши бир суҳбатларида таълим йўлида сарфланаётган бундай маблағларни харажат деб эмас, келажакка йўналтирилаётган сармоя, деб айтгандилар. Энди ана шу ғамхўрликка ҳаммамиз муносиб бўлайлик.



### Рақамлар сўзлайди:

**1991** йилгача республикада 8214 та мактаб мавжуд бўлиб, уларнинг 4689 таси — 57 фоизигина лойиҳалаштирилган биноларда жойлашган эди. 3525 та мактаб (43 фоизи) мослаштирилган биноларда, улардан 1167 таси, яъни 33 фоизи ўтган асрнинг 40-60-йилларида ҳашар йўли билан пахса ва хом ғиштдан қурилган, мактаб деб аташга тил бормайдиган, бирор бир меъёрга жавоб бермайдиган биноларда фаолият олиб борган. Бундан ташқари, ўрнатилган меъёрлар асосида капитал таъмирлашга ҳар 10-12 йилда ажратилиши лозим бўлган маблағлар вақтида ажратилмаслиги оқибатида лойиҳа асосида қурилган мактаблар ҳам нураб бўлган эди.

***Ўқитувчилар орасида олти нафар Ўзбекистон Қаҳрамони бўлса, уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос мактаб яратган устозлардир. Анор Маҳмудова — шулардан бири. У чорак асрдан ошибдики, Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда. Опа мактабида таҳсил оладиган мингдан ортиқ ўқувчиларининг барчасини номманом билади. Мактабда таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, соҳа ривожига қўшаётган ҳиссаси ва фидокорона меҳнатлари учун Анор Маҳмудова 2004 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ҳамда "Олтин юлдуз" медали билан тақдирланди.***

## Маърифатга йўғрилган саодат

— Инсон манфаатлари устувор саналган юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар эзгуликка йўғрилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир, — дейди "Ўзбекистон Қаҳрамони" Анор Маҳмудова. — Буни агар биргина таълим тизими мисолида кўрадиган бўлсак, нақадар улуғ ва хайрли юмушларга гувоҳ бўламиз. Эътибор беринг, мамлакатимизда ҳар янги ўқув йили арафасида қарийб ярим миллиондан зиёд бола мактабга илк бор қадам қўяди. Барча биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари — ўқув қуроллари ва дарсликлар тақдим этилади. Шу билан бирга, кам таъминланган оила фарзандлари қишки кийим-бош тўпламлари, якка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчилар зарурий ўқув қуроллари ва дарсликлар билан бепул таъминланади. Давлатимиз раҳбарининг бу эътиборини нафақат ғамхўрлик, шу билан бирга, минглаб болажонлар қалбида ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, десак, янглишмаймиз.

Биз — ўқитувчи ва мураббийларнинг қадрини осмон қадар улуғлаб, фарзандларимизни ардоқлаётган, бағрикенг, меҳрибон Президентимиз борлигидан фахрланамиз. У кишининг раҳнамолигида рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлардан кун сайин чирой очиб бораётган озод ва обод Ватанда яшаётганимиздан беҳад миннатдормиз.

...Шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда ҳар бир давлатда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажагига бўлган муносабат ижобий эмас. Қай бир мамлакатда ишсизлик авж олиб, бошқа бирида тинчлик деган улуғ неъматга завол етмоқда. Табиийки, бундай танг вазиятда ҳар бир одам фарзандининг келажагидан кўра, аввало, уйида тинч ётиб туришни ўйлайди. Доно халқимизда: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган нақл бор. Бугун дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган талатўплар бизни ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Зотан, Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида рўй берган барча янгиланишлар шу улуғ неъмат — тинчлик туфайлидир. Узоқни ўйлаб олиб борилаётган хайрли тадбирлар эса бугун инсон ва унинг манфаатларига, келажак ворислари — фарзандларимизнинг истиқболи ёруғ бўлиши учун хизмат қилмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

### Ташаббус

*Чортоқ туманидаги "Осиё замин чорваси" фермер хўжалиги раҳбари Ботиржон Усмонов Африка туяқушини маҳаллий шароитда парваришлашни йўлга қўйди.*



## Чортоқда Африка туяқушлари

Айни пайтда бу ерда боқилаётган 10 та туяқуш жўжаси тез орада тухумга киради. Уларнинг ҳар бири йилига 100 донадан ортиқ тухум беради. Гўшти эса 160 килограммдан ортиқ тош босади.

— Бўйи уч метргача етадиган туяқушнинг парҳезбоп гўшти, тухумидан ташқари пати ва териси ҳам даромад манбаидир, — дейди Б. Усмонов. — Жумладан, патидан турли безак ашёлари, қалин терисидан эса сумка, оёқ кийимлари ва куртка тайёрлаш мумкин.

Фермер туяқушлар тухумга кириши билан улар бош сонини кўпайтириб, чорвачиликнинг минтақамиз учун янгилик бўлган бу турини жадал ривожлантириш ниятида.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Тантана»нинг Сингапурдаги муваффақияти

*"Тантана" болалар ансамбли Сингапур давлатида икки кунлик бадиий дастурини намойиш этди.*

### Санъат

Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда мамлакатдаги "Naval Base Secondary School" таълим муассасасида бўлиб ўтган концертда ёш истеъдодлар "Ўрик гуллаганда", "Салламно", "Майса", "Лазги" каби ўзбек миллий санъатининг ноёб намуналарини ижро этишди.

Ҳар бир куй-қўшиқ ўзига хослиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Хусусан, "Ўрик гуллаганда" ашуласи ҳамда ўзида Бухоро, Хоразм, Андижон ва Сурхондарё анъанавий мусиқа йўналишини мужассам этган "Ўзбекистонга хуш келибсиз!" фольклор қўшиғи жонли ижро шинавандаларини бефарқ қолдирмади.

**Даврон МАРДОНОВ.**

## ОБ-ҲАВО

(6 октябрь)



| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +3 +8 | +20 +25 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +5 +10 | +22 +27 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +5 +10 | +22 +27 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +8 +13 | +23 +28 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +5 +10 | +20 +25 |
| Тошкент шаҳрида | +5 +10 | +22 +24 |

**СОТАМИЗ:**

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»
сервер қурилмаларини
*сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.*

*Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.*

Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Тел.: (+99871) 150-76-44.

1676A/1073

● Реклама ва эълонлар ●

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

**2013 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал таъмирланиши режалаштирилаётган қуйидаги объектларга танлов савдолари ўтказилиши бўйича дастлабки рўйхатни эълон қилади.**

***Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 45-уй. Тел.: 224-19-97).***

1. Балиқчи туманидаги 47-мактабни (240 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ўқув блоки ва 9х18 спорт зал қурилиши) реконструкция қилиш.
2. Пахтаобод туманидаги 32-махсус мактаб-интернатни (210 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш.
3. Балиқчи туманидаги 20-мактабни (80 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш.
4. Шаҳрихон туманидаги 47-мактабни (180 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш.
5. Марҳамат туманидаги 4-мактабни (315 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш.
6. Хўжаобод туманидаги 17-мактабни (160 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш.
7. Балиқчи туманидаги 9-махсус мактаб-интернатни капитал таъмирлаш (сколиоз).
8. Хонобод шаҳридаги 1974 ўқувчи ўринли 2-мактабни капитал таъмирлаш.
9. Андижон туманидаги 624 ўқувчи ўринли 7-мактабни капитал таъмирлаш.
10. Асака туманидаги 624 ўқувчи ўринли 9-мактабни капитал таъмирлаш.
11. Балиқчи туманидаги 784 ўқувчи ўринли 9-мактабни капитал таъмирлаш.
12. Булоқбоши туманидаги 790 ўқувчи ўринли 1-мактабни капитал таъмирлаш.
13. Бўз туманидаги 784 ўқувчи ўринли 22-мактабни капитал таъмирлаш.
14. Жалолқудуқ туманидаги 844 ўқувчи ўринли 32-мактабни капитал таъмирлаш.
15. Избоскан туманидаги 924 ўқувчи ўринли 14-мактабни капитал таъмирлаш.
16. Улуғнор туманидаги 640 ўқувчи ўринли 5-мактабни капитал таъмирлаш.
17. Марҳамат туманидаги 784 ўқувчи ўринли 18-мактабни капитал таъмирлаш.
18. Избоскан туманидаги 15-мактаб-интернатни капитал таъмирлаш.
19. Асака туманидаги 325 ўринли Тиббиёт бирлашмаси қурилиши.
20. Андижон шаҳридаги 50 ўринли 1-туғуруқ мажмуаси қурилиши.
21. Андижон шаҳридаги 50 ўринли вилоят онкология диспансери қурилиши.
22. Андижон шаҳар, Андижон давлат университети қошидаги 5-академик лицейни (200 ўринга мўлжалланган) реконструкция қилиш.
23. Андижон шаҳридаги санъат коллежи собиқ биносининг мавжуд 2-блокини, Андижон машинасозлик институти қошидаги 2-академик лицей ётоқхонасини реконструкция қилиш (200 ўринга мўлжалланган).
24. Асака туманидаги 1200 ўқувчи ўринли Асака педагогика касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш.
25. Асака туманидаги 900 ўқувчи ўринли Асака маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш.
26. Андижон шаҳридаги 750 ўқувчи ўринли Андижон машинасозлик касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш.
27. Хўжаобод туманидаги 540 ўқувчи ўринли Хўжаобод қурилиш касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш.
28. Қўрғонтепа туманидаги 450 ўқувчи ўринли Қўрғонтепа қурилиш касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш.
29. Шаҳрихон туманидаги 450 ўқувчи ўринли Шаҳрихон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш.
30. Асака туманидаги 1-БЎСМ болалар спорт мажмуаси қурилиши (II тип).
31. Асака туманидаги 16-мактабга 12х24 м. спорт зал қурилиши.
32. Булоқбоши туманидаги 7-мактабга 9х18 м. спорт зал қурилиши.
33. Шаҳрихон туманидаги 58-мактабга 12х24 м. спорт зал қурилиши.
34. Олтинкўл туманидаги 17-мактабга 9х18 м. спорт зал қурилиши.
35. Хўжаобод туманидаги 4-мактабга 12х24 м. спорт зал қурилиши.
36. Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» БСМни реконструкция қилиш.
37. Шаҳрихон туманидаги 33-сонли футболга ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати майдонини реконструкция қилиш.
38. Андижон шаҳридаги ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар теннис мактабини реконструкция қилиш.
39. Олтинкўл туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши.
40. Избоскан туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши (II тип).
41. Марҳамат туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш (II тип).
42. Қўрғонтепа туманидаги 23-болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш (II тип).
43. Андижон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш (I тип).

***Изоҳ:*** Мазкур қурилиш объектларининг рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши ҳамда тасдиқланган рўйхатга киритилган объектларга лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, белгиланган тартибда давлат ва танлов савдолари ҳужжатлари экспертиза кўригидан ўтгандан сўнг талабгорларга нисбатан қўйиладиган талаблар, объектларнинг бошланғич нархлари ва қурилиш муддатлари бўйича талаб ҳамда шартлар қўшимча тарзда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

1682R/1169

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5